



201000, Romitan tumani,
A.Temur ko`chasi, 40

Tel:(+998) 33-33-34, fax: 552-26-65
E-mail: romitan@sud.uz

201000, Romitan tumani,
A.Temur ko`chasi, 40

Ўзбекистон Республикаси номидан
ХАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

5.09.2022 йил Жондор тумани 4-2006-2201/ [REDACTED]-сонли иш

Ромитан туманлараро иқтисодий судининг судьяси Х.Г.Абдуллаев раислигида, судья ёрдамчиси С.Тўраевнинг котиблигида, даъвогарнинг (2022 йил 18 августдаги 226-сонли ишончномаси билан) вакили [REDACTED], (2022 йил 19 августдаги 228-сонли ишончнома билан) вакили [REDACTED], жавобгарнинг (ишончнома билан) вакили [REDACTED], жавобгарнинг раҳбари [REDACTED], Жондор туман Қишлоқ хўжалиги бўлимининг вакили [REDACTED] лар иштирокида, ишга мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида Жондор туман Қишлоқ хўжалиги бўлимини жалб этган ҳолда, даъвогар – Ўзбекистон Савдо саноат палатаси Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси “Agrocluster R-tex Qorako’l” масъулияти чекланган жамияти манфаатида, жавобгар – Жондор туманидаги [REDACTED] дан [REDACTED] сўм асосий қарз, [REDACTED] сўм жарима ундириш тўғрисидаги иқтисодий ишни Жондор туман Қишлоқ хўжалиги бўлими биносида очик сайёр суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

“Agrocluster R-tex Qorako’l” масъулияти чекланган жамияти (кейинги ўринда даъвогар) ва [REDACTED] (кейинги ўринда жавобгар) ўртасида [REDACTED]-сонли пахта хом ашёси ва уруғлик пахта харид қилиш бўйича контрактация шартнома имзоланган.

Шартноманинг 1.1-бандига асосан “Хўжалик” шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган [REDACTED] гектар ер майдонидан [REDACTED] тонна пахта хом ашёси ва уруғлик пахта маҳсулотларини “Тайёрловчи”га қайта ишлаш ёки сотиш учун етказиб бериши, “Тайёрловчи” эса ушбу маҳсулотларни келишилган муддатларда муайян нарх бўйича ҳақини тўлаб бериш мажбуриятини олган.

Даъвогар тарафлар ўртасидаги шартноманинг 1.3-бандига асосан “Хўжалик”нинг агротехник тадбирларини ўз вақтида амалга ошириши учун тўланадиган бўнак (аванс) ҳисобидан даъво аризасида илова қилинган ҳисобварақ фактуралари орқали жами қиймати [REDACTED] сўмлик тегишли моддий техника ресурсларини (инвентарлар, эҳтиёж қисмлари, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар ва бошқаларни) етказиб берган ва [REDACTED] кунда

■ сўм миқдоридида иш ҳақи ҳисобидан аванс пулларини кўчириб берган.

Protected by PDF Anti-Copy Free

Аммо жавобгар шартномавий мажбуриятни бажармаган.

Шартномавий бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги оқибатида даъвогар бўнак ҳисобидан вужудга келган қарздорликни тўлаб бериш ҳақида ■-сонли талабнома билан муурожаат қилган.

Талабнома ижросиз қилиниши натижасида даъвогар бузилган ҳуқуқини ҳимоя қилиб палата судга вужудга келган қарздорлик суммасини ундиришни сўраган.

Суднинг 2022 йил 19 августдаги ажрими билан ишга мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида Жондор туман Қишлоқ хўжалиги бўлими жалб этилган.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакиллари жавобгар даъвонинг асосий қарз қисмини қисман тўлаганлигини билдириб, қолган қисми бўйича даъвони тўлиқ қаноатлантиришни сўрашди.

Суд мажлисида иштирок этган жавобгар вакили ва раҳбари даъвонинг асосий қарз қисмини тан олиб, жарима талабини тўлиқ рад этишни сўрашди.

Суд мажлисида иштирок этган учинчи шахс вакили тарафлар ўртасидаги контрактация шартномаси қишлоқ хўжалиги бўлими томонидан рўйхатга олинмаганлигини билдириб, қонуний қарор қабул қилишни сўради.

Суд тарафлар вакилларининг ва учинчи шахс вакили тушунтиришларини эшитиб, иш ҳужжатларини муҳокама қилиб, қуйидаги асосларга кўра даъвогарнинг даъво талабини қисман қаноатлантиришни, ишни кўриш билан боғлиқ суд харажатларини жавобгар зиммасига юклашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (матнда ФК деб юритилади)нинг 236-моддасида мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундан шартлар ва талаблар бўлмаганида эса – иш муоамала одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши кераклиги кўрсатилган.

Мазкур кодекснинг 237-моддасида мажбуриятни бажаришдан бир томонлама бош тортишга ва шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмаслиги белгиланган.

ФКнинг 333-моддаси биринчи қисмига кўра, қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун агар қонунларда ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб бериши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 383-сонли Қарори билан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек

уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида” ги Низомнинг 29-банди иккинчи хатбошисидида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари аванс суммасида назарда тутилган ҳажмларда топширилмаган тақдирда тузилган шартномага мувофиқ ишлари босилган аванс маблағлари копланишини хўжаликлардан талаб қилишлиги белгиланган.

Жавобгар вакилининг [REDACTED] шартноманинг давлат рўйхатидан ўтказилмаганлик [REDACTED] PDF [REDACTED] осиздир.

Ваҳоланки, тарафлар [REDACTED] шартнома Жондор туман Қишлоқ хўжалиги бўлими томонидан муҳр босилиб, имзо билан тасдиқланган ва қайд этиш рақами босилган.

Иш суд мажлисида кўрилаётган кунда жавобгар ҳосил бўлган асосий қарз қарздорлик суммасини қисман тўлаган. Ушбу ҳолат даъвогарнинг судга тақдим этган маълумотномаси ва тушунтиришлари билан тасдиқланади.

Шу сабабли суд даъвонинг асосий қарз талабини қисман, яъни [REDACTED] сўмга қаноатлантиришни лозим топади.

Бундан ташқари, даъвогар тарафлар ўртасидаги шартноманинг 5.2-бандига асосан [REDACTED] сўм жарима ундиришни ҳам сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 326-моддасида агар тўланиши лозим бўлган неустойка кредиторнинг мажбуриятини бузиш оқибатларига номутаносиблиги кўриниб турса, суд неустойкани камайтиришга ҳақли. Бунда қарздор мажбуриятни қай даражада бажарганлиги, мажбуриятда иштирок этаётган тарафларнинг мулкий аҳволи, шунингдек кредиторнинг манфаатлари эътиборга олиниши кераклиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги “Мажбуриятларни бажармаганлик, ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкий жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 163-сонли қарорининг 2 ва 4-бандларида судлар неустойкани ундириш тўғрисидаги даъволарни ҳал қилишда неустойка миқдорининг қонун талабларига мувофиқ ҳисобланганлиги, унинг асослилиги, мажбурият бузилиши оқибатларига мутаносиблиги каби ҳолатларни ҳар томонлама ва чуқур муҳокама қилиб, талаб қилинган неустойканинг адолатли миқдорини белгилаши шартлиги, Фуқаролик кодексининг 326-моддасига мувофиқ, суд қарздор томонидан мажбуриятнинг бажарилиш даражасини, мажбуриятда иштирок этувчи тарафларнинг мулкий аҳволини, шунингдек, кредиторнинг манфаатларини эътиборга олиб, неустойка миқдорини камайтиришга ҳақлилиги тушунтирилган.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, даъвогар ҳам тарафлар ўртасидаги шартноманинг 2.4-банди а-кичик хатбошисидидаги мажбуриятларини умуман бажармаган. Белгиланган миқдордаги уруғлик чигитларни етказиб бермаган.

Натижада, жавобгар дастлабки шартномани бекор қилмасдан туриб, бошқа хўжалик юритувчи субъект билан пахта харид қилиш бўйича контракция шартномаси имзоланган.

Етиштирган пахта хом-ашёсини ҳам бошқа хўжалик юритувчи субъект топширган.

Тарафлар шартномавий мажбурият бўйича ҳар бирлари бир-бирларига нисбатан ҳуқуққа мажбуриятга эга бўлишган.

Уруғлик чигит маҳсулотини етказиб бермаганлик, жавобгарнинг шартнома бўйича мажбур бўлишига олиб келмайди. Тарафларнинг шартнома бўйича жавобгарликдан озод қилиш бандида ҳам бу ҳақда келишилмаган.

Даъвогар даъвонинг жарима талабини тўғри ҳисоблаган бўлсада, шартномавий мажбуриятни бажармаслик имкониятини юзага келишига ҳам шарт-шароит яратиб берган. Ўз вақтида уруғлик чигит маҳсулоти билан таъминламаган.

Бундан ташқари, даъвогар дебиторлик қарздорликни ихтиёрий равишда тўлаб бериш ҳақида фақатгина бир маротаба ёзма мурожаат қилган холос.

Шунга асосан суд, даъвонинг жарима талабини қисман [REDACTED] сўмга қаноатлантиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118-моддаси олтинчи қисмида агар даъвогар томонидан билдирилган неустойкани ундириш ҳақидаги талаб асосли бўлиб, бироқ унинг миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқдан фойдаланилган ҳолда суд томонидан камайтирилган бўлса, суд харажатларининг камайтирилиши ҳисобга олинмаган ҳолда ундирилиши лозим бўлган неустойка суммасидан келиб чиққан ҳолда, суд харажатлари жавобгарнинг зиммасига юклатилиши лозим.

Баён этилганларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 176, 179-моддаларини қўллаб суд,

қ а р о р қ и л а д и :

1. Даъво талаби қисман қаноатлантирилсин.
2. Жавобгар - “Беҳруз” фермер хўжалигидан даъвогар - “Agrocluster R-tex Qorako’l” масъулияти чекланган жамияти фойдасига [REDACTED] сўм асосий қарз, [REDACTED] сўм жарима ва олдиндан тўланган 24.000 сўм почта харажати, жами [REDACTED] сўм ундирилсин.
3. Даъвонинг қолган қисми рад этилсин.
4. Жавобгар - [REDACTED] дан Республика бюджети ва суд органларини ривожлантириш жамғармасига [REDACTED] сўм давлат божи ундирилсин.
5. Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, шу ҳақда ижро варақалар берилсин.

Ҳал қилув қароридан норози тараф бир ойлик муддат ичида шу суд орқали Бухоро вилоят судига апелляция тартибида шикоят беришга ёки прокурор протест келтиришга ҳақли.

Судья

Х.Г.Абдуллаев